



ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСIIY
ГАЗЕТАСИ

ОГОШКЕНТ ОҚШОМ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 41 (9.233) 1999 йил 12 апрель, душанба

Сотувда эркин нархда

ОРОЛ МУАММОСИ ИЖОБИЙ ТОМОНГА ЎЗГАРМОҚДА

АШГАБАД. 9 апрель. /УзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилди./ **Хабар қилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оролни кутқариш Халқаро Жамғармасининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун 8-9 апрель кунлари Туркменистон пойтахтида бўлди.**

Минтақамиз мамлакатлари давлат раҳбарларининг Ашгабад самити, албатта, фақат бир мавзу билан чекланиб қолгани йўқ. Самитнинг биринчи кунидеёқ кун тартибидан Орол муаммоларидан ташқари, бошқа масалалар ҳам жой олди. Булар сирасида минтақа миқёсидаги интеграция жараёнлари, давлатлараро муносабатлар ҳам кўриб чиқилди. Президентлар ўзаро манфаатли хамкорлик ривожига туртки берадиган, давлатларимизнинг халқро иқтисодий муносабатлар тизимига интеграциялашуви фаоллаштирадиган минтақавий лойиҳаларни муҳокама қилди. Ушбу лойиҳалар Каспий денгизи энергетика захираларини жаҳон бозорига етказиш, электр энергияси экспортини кенгайтириш, телекоммуникация, темир йўл ва автомобиль йўли алоқасига тааллуқлидир. Учрашувда минтақавий миқёсдаги ва давлатлараро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Аммо, дастлаб учрашувнинг бош масаласи бўлган Орол муаммосига қайтайлик. Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозғистон мустақилликнинг дастлабки йилларида-ноқ минтақавий муаммоларни биргаликда ҳал этишга бел боғлади. Хусусан, Оролбўйидаги экологик бўҳрон давлатларимизни бир ёқдан бош чиқариб ишлашга ундади. Натихада Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма 40 миллионга яқин нуфуслик минтақада янги иш ўринлари ташкил этиш,

аҳолини зарур дори-дармон, тиббий хизмат ва ичимлик сув билан таъминлаш борасида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, минтақа мамлакатларининг изчил сай-ҳаракатлари Орол муаммоси ечимига йирик халқаро молиявий ташкилотлар, кўлаб хорижий давлатларни жалб қилди.

Саммитда Ўзбекистон раҳбари - Оролни кутқариш Халқаро Жамғармаси Президенти Ислам Каримов жамғарманинг 1997-1999 йиллар давридаги фаолияти ҳақида сўзлади. Ўтган вақт мобайнида Орол муаммоси ижобий томонга ўзгараётганини кузатиш мумкин. Масалан, Оролбўйида аҳолини ижтимоий химоялаш юзасидан улкан ишлар амалга оширилмоқда, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, ичимлик сув билан таъминлаш яхши йўлга қўйилди. Орол денгизи сатҳининг пасайиши тўхтади.

Аммо, шундай бўлса-да, ечимини кутиб ётган муаммолар ҳали кўп. Хусусан, Ислам Каримов минтақада сувдан тежамли фойдаланиш йўлга қўйилганини таъкидлади. Албатта, эҳтиётимизни қондириш учун минтақада сув захиралари етарли. Бироқ, асосан Амударё ва Сирдарё ҳамда буларнинг ўзларидан бошқа манба йўқлигини ҳисобга олиш лозим. Оддий мисол, беш ярим миллион нуфуслик Исроилда йилга икки миллиард куб метр сув сарфланади, қарийб эллик миллиондан зиёд аҳоли яшайдиган бизнинг минтақада эса бу кўрсаткич юз миллиард куб метрга тенг. Яъни, тежамсизлик оқибатида беш-олти баробар кўп сув сарфланади. Ҳисоб-китобларга қараганда, сув захираларидан тўғри, тежамли ва масъулятли равишда фойдаланиш, сарфланаётган сув миқдорини камида ўн фоизга камайтириш мумкин.

Учрашувда Ислам Каримов бу масалага ёндошганда, айниқса, одамларни тежамкорликка даъват қилиш лозимлигига эътибор қаратди. Дарҳақиқат, лойиҳа ишлаб чиқиш,



амалга ошириш мумкин, лекин одамлар унинг моҳиятини билмаса, муаммони англамай, умуминтақавий ишга онгли равишда бош қўшмаса, кутилган натижага эришиш қийин. Мамлакатимиз раҳбари сув захиралари ҳақида сўзлар экан, минтақанинг айрим давлатларида сувдан электр энергияси олиш имконияти кўпчилигини, лекин бу имконият ишга солинаётганини қайд этди. Ҳақиқатан ҳам, хорижда имкон йўқлиги боис шамолдан, қуёш нуридан фойдаланилаётганини кўп эшитамиз. Бизнинг минтақада эса асинча, қулай имконият бору уни ишга солиш йўқ. Минтақадаги сув захираларида балиқчилик соҳасини ривожлантириш ва оқва сувлардан фойдаланишни йўлга қўйиш борасида ҳам имкониятлар кўп.

Давлатимиз раҳбари саммит иштирокчиларини бундай масалаларни умуминтақавий сай-ҳаракатлар билан ечишга даъват қилди. Ўзбекистон Президенти айна пайтда кўпроқ имкониятлар даражасидаги лойиҳаларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Чунки йирик лойиҳаларга салоҳият ва маблағ еттишмаслиги мумкин. Халқаро ташкилотларнинг ҳам катта лойиҳаларини молиялаштириши қийин кечади. Маълумотларга қараганда, Орол муаммоси билан боғлиқ лойиҳаларнинг фақат йирикми фоизи минтақа дав-

латлари томонидан молиялаштирилмоқда, қолган қисми эса халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар зиммасига тушаётди. Ашгабад саммити қатнашчилари Ўзбекистон раҳбарининг таклиф ва мулоҳазаларини кўлабқувватлади. Ислам Каримовнинг Оролни кутқариш халқаро жамғармасига раҳбарлиги даврида улкан ўзгаришлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди.

Шундан сўнг жамғарманинг янги президенти масаласи кўриб чиқилди. Жамғарма низомига биноан, унга раҳбарлик қилиш муддати икки йилдан иборат. Ашгабад саммитида Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзов жамғарма раҳбарлигини қабул қилиб олди. Саммит кун тартиби доирасида Оролни кутқариш Халқаро Жамғармасининг низомига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, жамғарма ва унинг қошида очилган ташкилотлар мавқеини белгилаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Учрашув якунида Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозғистон раҳбарларининг Қўшма баёноти ҳамда Орол муаммолари бўйича учрашув якунига доир Ашгабад Декларацияси қабул қилинди.

Саммит нихоясида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Унда президентлар кўриб чиқилган масалалар, эришилган келишувлар хусу-

Сусан, минтақа давлатлари халқларини тил, дин, тарих ва маданиятдаги муштаракликдан ташқари, нонга, ер-сувга, меҳнат ва меҳр-шафқатга бир хил муносабат ҳам бирлаштиради. МДХ доирасида «катта оғасингари тушунчаларга энди чек қўйилди.

Матбуот анжуманида Тожикистонда Россия ҳарбий базаси очилиши масаласи ҳам кўтарилди. Албатта, ҳар бир давлат қайси мамлакат билан қандай муносабат қуришни ўзи белгилайди. Хусусан, ўз ҳудудида хорижий мамлакатнинг ҳарбий базасини очилишига ҳуқуқи бор. Лекин миллий манфаатлар, давлатнинг дахлсизлик ва хавфсизлиги, суверенитетини сақлаш нуктаи назаридан олганда, таъкидлаш керакики, ўз тупроғида ўзга мамлакатнинг ҳарбий базаси очилишига рухсат беришдан ҳеч бир давлат фойда кўрмаган. Бунга яқин ўтмишдан кўлаб мисоллар келтириш мумкин. Бу «анъана» «совуқ уруш» давларини эслатади.

Саммит доирасида давлат раҳбарлари Туркменистон пойтахтида барпо этилган янги иншоотлар билан ҳам танишишди. Хусусан, Ашгабадда 1948 йили рўй берган ва қарийб 160 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган зилзила қурбонлари хотирасига атак бўнуд этилган ёдгорликка гулчамбар қўйилди. Президентлар Бетарафлик арқини ҳам эиёрат қилдилар.

СУРАТДА: учрашув пайти Фарход Қурбонбоев (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 9 апрель кун Ашгабаддан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида Президент Ислам Каримовни Олий Махлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлағанов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

ДАВР САДОСИ
Барча маилалардан олинган сўнги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) қошидаги Инсоннинг Конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлисининг XIV сессиясида кўриладиган масалалар, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 1998 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.
- Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида республика қурилиш мажмуининг жорий йилнинг биринчи чорагидаги иш якуни қараб чиқилди.
- Тошкентда Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий химоялаш масалалари бўйича мажмуи мажлиси бўлиб ўтди.
- Республика пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси ўтказилди.
- Ўтган шанба кун Қорақалпоғистонда Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 6 йиллиги нишонланди.
- Мисрнинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор элчиси доктор Мамдуҳ Шавкий Наманган Давлат университетида ташриф буюриб, университетда ташкил этилган араб тилини ўрганиш марказининг очилиш маросимига қатнашди.
- Ўзбекистон файласуфлари жамиятида ўтказилган илмий-назарий семинар фалсафа фанини янгилаш муаммоларига бағишланди.
- Беруний шаҳрида 700 ўринли академик лицей қурилиши бошлаб юборилди.
- Андижондаги мухташам теннис клуби кортларида профессионал теннисчиларнинг «Фьючерс» («Истикбол») Халқаро турнири давом этмоқда.
- Шу йил 22 апрелдан 25 апрелга қадар Тошкентда Осиё Олимпия Кенгаши (ООК) мажлиси ўтади. Унда Осиёдаги 42 мамлакатнинг Миллий олимпия кўмиталари бош қотиблари иштирок этади.

ЖАҲОНДА

- Югославия Президенти Слободан Милошевич Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцинга Югославияни Белоруссия ва Россия Иттифоқига қўшиш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат қилди.
- Грузияда кўнгилчиларни Югославияга жўнатиш бўйича рўйхат тузилмоқда.
- БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши Гвинея — Бисауда урушга атак қилишга қарши раҳбарларнинг мажмуи мажлисидаги тазоҳ қилиши билан мурожаат қилди.
- Сенегал жанубидаги Казаманс вилоятининг мустақиллиги учун кураш олиб бораётган айирмачилар қурашнинг тўхтатганини эълон қилди ва ҳуқуқматта таслим бўлди.
- Кеча Брюсселда 17 мамлакат делегацияси Парламентлараро иттиқо конференцияси ишида қатнашди.
- Канада харитасида янги маъмурий вилоят пайдо бўлди. У Нунавит номини олди. Унинг ҳудудий майдони 2 миллион квадрат километр бўлиб, аҳолиси бор-йўғи 27,2 минг кишидан иборат.
- Хитой Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати раҳбарлари билан савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномани имзолади.
- БМТ Бош қотиби Кофи Аннаниннинг Европа мамлакатлари бўйлаб сафари давом этмоқда. Кеча у Испанияга келди.
- Монголия аъзолик бадалларини тўламаганлиги боисидан БМТда овоз бериш ҳуқуқидан вақтинчалик маҳрум этилди. Монголиянинг қарзи 311 минг долларни ташкил этади.
- Бугун Сан-Франциско маъмурилари Украинанинг собиқ бош вазири Павел Лазаренконинг унга сиёсий қочқоқ мақомини бериш тўғрисидаги илтимосини кўриб чиқади. Маълумки, у ватанида ноқонуний валюта операцияларини ўтказишдаги ишлари учун айбланмоқда.
- Урдун подшоҳи Абдуллоҳ ибн Хусайн хорижий мамлакатлар бўйлаб биринчи сафарини Саудия Арабистонидан бошлади. У подшоҳ Фаҳд бин Абдулазиз Ас-Сауд билан учрашиб, Яқин Шарқдаги вазият муаммолари юзасидан фикр алмашди.
- Бугун ГФР канцлери Герхард Шрёдер Германия Социал-демократик партиясининг етакчиси бўлиши мумкин. Унинг ана шу лавозимга номзоди Германия Социал-демократик партиясининг навбатдан ташқари сўзсизда кўриб чиқилди.
- Ироқнинг шимолида 17 минг кишидан иборат Туркия армияси гуруҳи ҳудудни Курд иши партияси террорчиларидан тозалаш мақсадида янги ҳарбий операцияни бошлади.
- Мисрнинг шимолида йирик темир йўл ҳалокати рўй берди. Икки йўловчи поездеи бир-бири билан тўқнашиб кетди. Ҳалок бўлганларнинг сони аниқланмоқда. Қўтқарув ишлари олиб боришмоқда.
- Санкт-Петербургдаги Россия давлат музейида катта ўғирлик рўй берди. У ердан машҳур мўйқалам устаси Василий Перовнинг иккита расми гоий бўлди. Ўғирлаб кетилган «Гитарачи» ва «Учовлон» асарларининг баҳоси тахминан 1 миллион АҚШ долларига тенг деб ҳисобланмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ЎСМИРЛАР ТАРБИЯСИ ЭЪТИБОРДА БЎЛСИН

Тошкент шаҳар ҳокимлигида вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда туман ҳокимлари ўринбосарлари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси аъзолари, ички ишлар бўлими ходимлари қатнашдилар. Иштирокчилар туманларда вояга етмаганлар орасида олиб борилаётган амалий ишлар, уларни жиноятчиликка қўл уришларининг олдини олиш мақсадида турли тўғарак ҳамда қизиқарли машғулотларга, кутубхонага жалб этмоқда эришиш хусусида кўнрақлик билан гапириб ўтдилар.

Болаларнинг мактабдан ташқари бўш вақтини тўғри ташкил этиш ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишдаги бош омил бўлади, деб таъкидланди йиғилишда. Шундай экан, шаҳримиздаги барча ўс-

мирлар клубларини, у ерлардаги сузиш ҳавзаларини талаб даражасида фаолият кўрсатишига эришмоғимиз мавжуд кутубхоналарни ўқувчи ёшларни қизиқтироладиган, уларнинг дунёқарашини кенгайтирадиган турли адабиётлар билан таъминлашни тегишли идоралар назорат остига олмағи даркор.

Шунингдек, комиссия йиғилишида участка нозирлари рўйхатида турувчи, носоғлом муҳитда тарбияланаётган болалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилиб, уларни имкони борича кўпроқ мактаб, маҳалла эътиборидан четда қолмасликлари лозимлиги борасида ҳам фикрлар билдирилди.

Йиғилиши Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров олиб борди.

Баҳорги чақириқ

Ўтган жума кун шаҳримиздаги чақириқ пунктда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафарида дастлабки кузатиш тапталари пайтида Қодиржон ота Нурматов ўзга Лишер ва унинг сафдошларига айнан ана шундай яхши тиллақларни билдирди.

ЮРТГА МУНОСИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров, Тошкент шаҳар муҳофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Фарход Рустамовлар Ватанини химоя қилишдек шарафли ва масъулятли ишда ўғлонларимизга катта муваффақиятлар тилашди. Шунингдек, ўғлонлар чақирилган туманлар маҳаллалари оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашларининг раислари ҳамда «Камолот» жамғармасининг шаҳар бўлими вакиллари ҳам кўп хийо-сияга отланган посбонларга жуда илиқ

тилақлар билдиришди. Республикаимиз Куролли Кучларининг фахрийлари, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари — генерал-лейтенант Собиржон Охунжонов ва генерал-майор Абдулла Ортиқбоевларнинг чиқишларидан сўнг эса ўғлонлар ўз зиммаларига катта авлоднинг шарафли ишларини давом эттиришдек юксак масъуляти юклаганидан чексиз фахр ҳисларини туйишди.

Кузатиш тантаналаридан сўнг ҳар бир ўсмирга ёш жангчи хизматнинг дастлабки даврида асқотадиган совғалар топширилди.

Шаҳримиздаги Куролли Кучлар сафарида дастлабки кузатиш маросими тўғрисидаги суратли репортаж билан эса газетамизнинг кейинги сониде та-нишасиз.

(Ўз мухбиримиз).
(Баҳорги чақириқ бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорлари юзасидан белги-ланган режалар ва уларни ҳаётга та-биқ этиш ҳақидаги «Сизни Ватан чор-лайди!» сарлавҳали мақолани «Оқ-шом»нинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

Футбол

ОЛИМПИАЧИЛАРИМИЗНИНГ ИККИНЧИ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

Ўтган шанба кун «Пахтакор» Марказий ўйингоҳида Олимпия тер-ма жамоамиз 2000 йилги олимпиа-дага саралаш турнири доирасида то-жикистонлик рақиблар билан ўзин-инг иккинчи баҳсини ўтказди.

Бу гал олимпиячиларимизнинг ўй-нида дадиллик ва уюшқоқлик руҳи кўп-роқ намоён бўлди. Шундай бўлса-да, биринчи бўлимининг ўрталарига қадар ўйинда ҳисоб очилмади. 27-дақиқада етакчи чарм тўп усталаримиздан бири Рашид Фафуров катта маҳорат кўрсат-ди ҳисобни очилишига муваффақ бўлди. Биринчи бўлим шу кичик ҳисоб билан якунланди.

Иккинчи таймининг бошланишида да-стлабки ҳужумни уюштирганмизда ра-қиб химоячилари ўз жарима майдон-чаларида Шишелевни йиқитишдан ўз-га чор топа олмадилар. Рашид Фафу-ров аниқ зарба билан пенальтидан ўй-нининг иккинчи тўпини киритди. Ўзин ту-

гашига ўн дақиқа қолганида ҳакам кў-поллик қилганлиги учун тожикистонлик Алишер Ҳақбердиев ва Улуғбек Бақоев (Ўзбекистоннинг майдондан чиқариб юборди. Тожикистонлик футболчилар-нинг қўполлиги уларга қимматга турши — яна бир рақиб ўйинчиси — Уктам Сатторов майдондан четлатилди.

Ҳар ҳолда беллашунинг энг яхши ўйинчилари Бердиев ва Сайфуллинлар-нинг ҳаракатлари бесамар кетмади. 90-дақиқада Бердиев чап қанотдан шид-дат билан рақиблар майдончасига ёриб кирди ва тўпни майдон марказидаги Ринат Сайфуллинга узатди. Ринатнинг аниқ зарбаси терма жамоамизнинг қаторисига иккинчи йирик ғалабасини таъминлади.

Энди футболчиларимиз навбатдаги ўйинни 24 апрелда Туркменистонда турнир жадвалида иккинчи ўринда бо-равтан ушбу мамлакат олимпиячилари билан ўтказадилар.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

— Мустақилликка эришган Ўзбекистон ҳақиқий халқчил давлатни барпо этиш йўлида шахдам қадам ташлаётган экан, жамиятимизда нодавлат ташкилотлар моҳияти кенг тус олиши учун имкониятлар яратмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ўзларининг турли маърузаларида «Надавлат жамият ташкилотларини ривожлантириш лозим, чунки кучли нодавлат жамият тизимлари жамият тараққиёти, унинг баркамол ва барқарор бўлиши учун ўз хиссаларини қўшадилар ва бундай жамият тизимларига эга бўлган давлатларда адолат ҳукм суради», деб алоҳида таъкидлашди.

Ҳақиқатан ҳам жамоат тизимлари давлатнинг барқарор тараққиётида жуда катта аҳамият касб этадилар. Фақат Буюк Британияда 400000 дан зиёд нодавлат жамоат ташкилотлари расмий рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 170000 мурувват ташкилотлар мавқега эга бўлган. Америка Қўшма Штатларида эса 1000000 дан ортиқ жамоат — мурувват ташкилотлари фао-

оқламайди. Шу тўғрисида 9-модда куйидагича ўқилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди: «НДЖнинг бўлимлари, ваколатлари расмий рўйхатдан ўтган, юридик шахслар ҳисоблансин».

«НДЖга солиқ солиш ҳақида»ги 32-модда куйидагича таърифланди: «НДЖ бюджети бўлмаган ташкилотларга солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш билан биргаликда қонунда кайд қилинган тартибда имкониятларга ҳам эга».

Ҳозирги кунда нодавлат, нотижорат ташкилотларининг молиявий ҳаёти фақат халқаро ва хорижий жамғармалар томонидан лойиҳалар учун ажратилган грантлар ҳисобига таъминланади. Кўпчилик хорижий жамғармалар бюджетга эга бўлмаган давлат ташкилотларига маблағларини сарфлашни истамайдилар. Шу тўғрисида Ўзбекистонда бошқа ҳамдўстлик давлатларига қараганда нодавлат ташкилотларининг ривожланиши учун ўз маблағини, сармоясини сарф қилишни истаган хорижий ташкилотлар ва жамғармаларнинг сони бир мун-

«Ойна жаҳон»да ҳар якшанба кунини «Ватанимизга хизмат қиламан!» кўрсатувининг ҳаяжон билан томоша қиламиз. Ахир озод Ўзбекистон посбонлари ҳаётининг бефарқ томоша қилиб бўладими? Қўшнларнинг бир талай турлари бўйича аскарларимиз маҳоратини кўриб, улар энг ривожланган мамлакатлар аскар-зобитларидан сира қолишмаслиги дилингиздан ўтади. Дилингиздан ўтади-ю, мустақил юртининг ҳақиқий посбонлари етишиб чиқаётгани, улар Ватанимиз сарҳадларини даҳасиз асрай олишларига ишонч пайдо бўлади.

Ҳа, моҳир чегарачиларимиз-у десантчиларимиз, замонавий танкларни бошқараётган шункорларимиз-у ҳаво бўшлиқларида жавлон ураётган лочиларимизга ишонса бўлади! Уларга қараб туриб, буюк бобокалонимиз Амир Темур соҳибқироннинг жасур аскарлари чинакам ворисларини кўраётгандай бўласиз. Улар ҳам жасур, кўрмас, бунинг устига билимдон ва чапдаст йигитларимиз — Ватанимизнинг содиқ посбонлари...

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунлари асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 мартдаги «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Куролли кучлар, чегара ва ички кўшнлар сафларидан захирага бўшаатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги қаҳриш тўғрисида»ги қарорини ўқиб эканмиз, шу фикрлар хаёдан кечди. Катта ёшли фуқаролар одатдаги бир тадбир сифатида уни дилларидан ўтказган бўлишса, энди 18 баҳорни қаршилаган, армия ёшига етиб қаҳриқчи куётган йигитларимиз уни ҳаяжон билан қутиб олганларига шубҳа йўқ. Ахир Ватанини, яна Озод ва хур Ватанини ҳимоя қилишдан ҳам улуг иш борми дунёда!

Эндилликда азамат аскарларимиз, зобитларимиз буюк Соҳибқирон боболарининг эркин-эмин яшаётган авлодлари, келажаги буюк давлатни барпо этаётган ўзбек халқининг тинч яратувчи-

лик меҳнати, жўшқин ва серқирра ҳаётини ҳимоя қиладилар. Озод Ватанимиз шўён-шавкати, улуг мақсадлар билан ҳаёт кечираётган юрдошларимиз шон-шарафини муҳофаза этадилар. Шунинг учун ҳам муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга ҳар галги қаҳриқ фақат ёшларимиз учунгина эмас, ота-оналар, дўст-ёрлар, давлат, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамғармалари учун ҳам тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Бундай тадбирлар тобора ҳаяжонли, шуккули ўтаётган бўлиб бормоқда.

Йиллар ўтган сайин, Ватанимиз тараққиётни-

Баҳорги қаҳриқ

СИЗНИ ВАТАН ЧОРЛАЙДИ!

нг янги-янги чўққиларини забт эта борган сайин, ҳаётимиз чуқур мазмун, жозибадорлик касб этиб борган сайин бизнинг қаҳриқ, Ватан туйғуси лаззатини тобора теранроқ ҳис этмоқдамиз. Ватаниннинг ҳар зарра тупроғини олтиндан қиммат билиб, кўзларимизга тўтидек суришга тайёр бўлаётимиз. Ҳа, жонахон мамлакатимиз тараққиёти билан баравар камолотга, фозилликка, қомилликка эришяпмиз...

Албатта, шу йил апрель-май ойларида ўтказилган навбатдаги муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга қаҳриқ ҳудди шу кайфият, шу нуқтаи-назардан катта бир ташкилий уюшқоқлик билан ўтиши керак. Бу тадбир ёшларимизнинг Ватанга, халқимизга меҳр-оқибати, садоқатини янада кучайтириши, Ватан посбонларидек шарафли касбга уларнинг ҳавас-рағбатини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Шундай бўлиши ҳам турган гап. Чунки қарорда таъкидланганича, Тошкент шаҳар муҳофаза ишлари бўйича бошқармаси билан бирга қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ўтган йил кузги қаҳриқни гоат уюшқоқлик билан ўтказишга эришганлар. Албатта, ҳозирги қаҳриқ ундан ҳам

тартибли, уюшқоқлик билан ўтади. Бунда шаҳар ҳокимлиги ҳамда туман ҳокимликлари қошида тузилган қаҳриқ ҳайъатларининг фаолияти катта аҳамиятга эга бўлади. Шу муносабат билан қарорда туман ҳокимликларига аниқ топшириқлар берилган.

Қарорда қорхона ва ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртлари, уй-жойдан фойдаланиш идоралари ва маҳалла оқсоқоллари зиммасига қаҳриқлуви йигитларни ўз вақтида хабардор қилиш, уларнинг қаҳриқли пунктларига ўз вақтида келишларини таъминлаш вазифаси юкланган.

Мазкур ҳужжатдан муқобил хизматни уюшқоқлик билан ташкил этишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгиланганини ҳам кўрамиз. Чунки, қорхоналардаги мавжуд иш жойларининг ҳисобидан муҳофаза ишлари бўлимларига талабномаларни ўз вақтида бериш, муқобил хизматчиларни ўз касблари бўйича ишга жойлаштириш вазифалари алоҳида ўқтирилган.

Ҳарбий хизматга кузатиш маросимларининг тантанали ўтиши катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги маълум. Шунинг учун ҳам «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотларига бу тадбирларда фаол қатнашиши тавсия этилади.

Бир сўз билан айтганда, пойтахтимиз ёшлари ўз йигитлик бурчларини бажаришга отланар эканлар, уларни уюшқоқлик билан тантанали вазиятларда кузатиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинади. Шу билан бирга қаҳриқлувиларнинг саломатлигини аниқлашда, муқобил хизматни ташкил этишда учраб турадиган камчиликларнинг ҳам олди олинишини таъминлаш муҳим. Бунда туман қаҳриқ ҳайъатларининг тебибий комиссиялари мутахассисларидан ўз ишларига масъулият билан қараш талаб этилади.

Шундай қилиш керакки, ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги қаҳриқ йигитларимиз учун энг шарафли, масъулиятли вазифа, Ватан олдидаги виждон бурчи эканлиги ҳар лаҳза сезилиб турисин. Ватан ва халқ ҳимоясига отланган ҳар бир ёш буюк бобокалонларимизнинг муносиб ворислари, мамлакат сарҳадларининг ҳақиқий посбонлари бўлиб етишини ўзининг олий бурчи деб билиши керак. Озод мамлакатнинг озод аҳли, боболар руҳи йигитларимизни шунга даъват этади.

Қонун лойиҳаси муҳокамада

ЖАМИЯТ ТИЗИМИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Яқинда Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси ўз ишини бошлади. Кун тартибидан кўриладиган масалалар қаторида республикамизда фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотлар тизимини ривожлантириш ва улар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида «Надавлат, нотижорат ташкилотлар ҳақида»ги Қонун лойиҳаси ҳам кўрилади. Ҳозирда мазкур лойиҳа фуқаролар ва нодавлат ташкилотлар томонидан кенг муҳокама қилинмоқда.

«Меҳри» аёллар жамиятининг ижрочи директори Флора ПИРНАЗАРОВА биз билан бўлган суҳбатда куйидагиларни сўзлаб берди:

лият кўрсатиб келмоқда. АҚШнинг фойда олмайдиган ташкилотларининг 1996 йилдаги молиявий ҳолати 621,4 миллиард долларни ташкил қилади. Шундан 38,6 фоиз ташкилотларнинг аҳолига кўрсатган хизматлари ҳисобига тушган маблағ; 31,7 фоиз давлат томонидан ажратилган маблағ; 18,9 фоиз шахслар ва корпорациялар томонидан ажратилган мурувват маблағи ва қолган 10,8 фоиз лойиҳалардан тушган маблағ. Буюк Британиянинг 1990 йил ҳисоботи бўйича НДЖ умумий маблағи 29,5 миллиард фунт стерлингни ташкил қилган бўлса, унинг 48 фоиз аҳолига кўрсатган хизматлари ҳисобига ишланган маблағ; 39 фоиз давлат томонидан ажратилган маблағ; 12 фоиз кўрсатилган мурувват ёрдами ҳисобига ортирилган маблағ.

Келтирилган мисолларга асосланган ҳолда нодавлат ташкилотларининг, яъни жамият тизимларини фуқаро жамиятини ривожлантиришда алоҳида ўрин тутишини қайд қилиш диққатга сазовордир ва бундай нодавлат ташкилотларини ривожлантириш унинг моҳиятини янада кенгайтириш мақсадида мувофиқдир. Шунинг учун Ўзбекистон ҳукумати нодавлат жамоат тизимларини ривожлантириш, уларнинг ҳаётчанлигини таъминлаш ва улар фаолиятини такомиллаштиришни кўзлаган ҳолда «Надавлат, нотижорат ташкилотлар ҳақида»ги Қонун лойиҳасини фуқаролар ва нодавлат ташкилотлар муҳокама-сига қўйди.

Надавлат жамоат ташкилотларини юридик шахслар сифатида барпо этишга ҳуқуқ бериш учун қонунларнинг бўлиши жуда муҳим, чунки қонунлар тўғрисида уюшмалар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг ҳаётчанлиги, эркинлиги таъминланади.

НДЖ ҳақидаги қонуннинг бўлиши янги иқтисодий муомалага ўтиш даврининг қийинчиликларини бартараф қилиш учун алоҳида шахсларнинг ва гуруҳларнинг бирлашиши учун имконият яратеди.

Жамиятни маҳсулотлар билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасида кўнгилли ташкилотлар давлат учун энг самарали ҳамкор бўла олади. Айрим ҳолларда жамият тизимлари фуқароларга давлат қорхоналарига нисбатан юқори сифатли ва бир мунча арзон хизматлар кўрсатиши мумкин.

Мустаҳкам, ишонарли ҳуқуқий манбага эга бўлмагунча, нотижорат, фойда келтирмайдиган ташкилотларнинг ривожланиши мумкин эмас.

НДЖ фаолиятининг асосий йўналиши аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишдан иборат экан ва нодавлат ташкилотларнинг ҳаётчанлиги кўрсатилган хизматлар эвазига таъминланар экан, у ҳолда унинг бундай фаолияти албатта Қонун моддаларида ўз ифодасини топиши керак.

Қонун лойиҳасини талқин қилишга ўтар эканмиз, унинг 9-моддасига эътибор бериш лозим деб ўйлабмиз. Қонун лойиҳасини «НДЖнинг бўлимлари ва ваколатлари ҳақида»ги 9-моддасида қайд қилинишича улар юридик шахс бўла олмайдилар дейилган. Амалда эса бу модда ўзини

ча кам, масалан Озарбайжонда 30 дан ортиқ хорижий жамғарма ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, чунки у давлатдаги қонун бўйича ажратилган грантлар ҳар қандай солиқлардан озод қилинишни қайд қилади. Бизда эса вазият бирмунча бошқачароқ; хориж жамғарма ва ташкилотлар томонидан ажратилган грантларнинг, маош учун бериладиган маблағдан 40 фоизни бюджетсиз давлат ташкилотларига грант берувчиларнинг ўзлари ажратиларига қарамай, яна ҳар бир грант бўйича ишлайдиган ходимларнинг ойлик маошларига 45 фоизга солиқ солинади. Агар ушбу ходим бу ишни асосий ишидан ташқари бажарадиган бўлса, унинг маош солиғи 50 фоизгача етади. Масалан: грант бўйича ишлайётган маслаҳатчи ходимнинг ойлик маоши 100 доллар бўладиган бўлса, унинг ойлик маоши 5500 сўмни ташкил қилади. Бу эса бюджет бўйича ажратилган маошдан 7,6 марта кам. Табиийки, юқори малакали мутахассис кам маошли хизматга қўл урмайди ва пировардида лойиҳада мўлжалланган вазифалар грант бажарувчилар ва грант ажратувчиларнинг истаганича юқори даражада бажарилади.

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, халқаро ва хорижий ташкилотлар томонидан ажратилган ёрдам ва мурувват маблағларига икки баробар солиқ солинади, қачонки, барча ривожланган давлатларда мурувват фаолиятлари ҳар қандай солиқ ва тўловлардан озод қилинган. Гарчи биз халқаро мурувват жамғармалар маблағларидан самарали фойдаланишни истасак, НДЖ ҳақидаги қонунга аниқлик ва равшанлик киритиш ва НДЖ бюджетсиз давлат ташкилотларига ўтказадиган ҳар қандай тўловлардан, жумладан ижтимоий, ҳуқуқий ва маърифий фаолиятлар бўйича ажратилган грантларни маош тўловларидан озод қилиниши қайд қилиниши лозим. Олинмадиган фойдани НДЖ мурувват маблағларига солинадиган солиқ бошланғич жараёнда ҳуқуқий шахслар учун 5 фоизга, жисмоний шахслар учун 10 фоизга камайтирилиши қонун моддасига киритишни тақлиф қиламиз.

Қонун лойиҳаси нодавлат, нотижорат ташкилотлар учун дейилган, лекин ҳар қандай нодавлат ташкилот фойда келтирмаганлиги тўғрисида «нотижорат» сўзи ўрнига «фойда келтирмайдиган» деган ифода қўлинишни тақлиф қиламиз. Қонун лойиҳасининг 31-моддасида нодавлат, нотижорат ташкилотлар қонун тартибидан оқсиз давлат келтирилган мақсадларга мувофиқ, ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли дейилган, ammo шу фаолиятларга аниқлик ва равшанлик киритиш зарур, яъни «аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатилиши мумкин» деган ифодани киритиш лозим.

Шуни умид қиламизки, Ўзбекистонда «Надавлат, нотижорат ташкилотлар ҳақида»ги Қонун учинчи жамият секторини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Моҳира КАРИМОВА ёзиб олди.

ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Ана шундай жамоалардан бири 1997 йил сентябрь ойида ташкил этилган ва ўзининг сифатли маҳсулотлари билан нафақат мамлакатимиз аҳолиси дастурхонини беэътибор, балки кўшни давлат буюртмаси асосида ҳам фаолият кўрсатаётган «Айлин» ганда санайи компания» шўба қорхонасидир. Ушбу қорхона жаҳон андозалари даражасига жавоб берадиган, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи дастгоҳлар билан жиҳозланган. Дастгоҳларни эса иш кўзини билган, изла-

Тадбиркорлик

ти билан харидорларга манзур бўлмоқда. Қорхона маҳсулотлари пойтахтимизда ишлаб турган «Ардус», «Демир», «Бешёғоч», «Дунё маркет», «Инглиш фуд», «Истиклол маркет», «МУМ» сингари савдо шохбачалари орқали харидорларга етказиб берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жорий йил бошидан буён 170 минг АҚШ долларини «Айлин» маркали қандолат маҳсулотлари Марказий Осиё давлатларига юборилди. Ҳозирги вақтда бу экспорт маҳсулотларини Қирғизистон, Тожикистон мамлакатлари савдо дўконларида урчатиш мумкин. Шу билан бирга қорхона жамоаси ўзининг сифатли маҳсулотларини Россия, Украина, Озарбайжон давлатларига экспорт қилишни мўлжалламоқда. Демак, «Айлин»нинг лаззатли маҳсулотлари жаҳон бозорига чиқади.

Шарифа ИЛЕСОВА.


Яқин ўртада Юнусободнинг 3-дахасида ёки унинг бутун шаҳарга донғи кетган универсал дўкони атрофида бўлибмизми? Агар йўналиши тушган бўлса қисқа муддат ичида ушбу ҳудуд таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлигидан ҳайратга тушган бўлсангиз керак.

Бундай дейишимизнинг сабаби бу жойда икки-уч ойлик вақт мобайнида шундай кенг ҳажмли бунёдкорлик ишлари амалга оширилдики, бунинг учун қурувчилар кеча-қундуз тиним билмай ишлашди. Ҳозирда улар бир йўла уч мажмуада тезкорлик билан тиклаш ишларини олиб боришяпти. Бу участкалар — Юнусободнинг янги бозори, ер ости йўли ва Амир Темур кучаси устидан 7 метр баландликда темир-бетон тирговичлар ёрдамида қад кўтарётган кўприқдир.

Шу ўринда оқшомхонларда: «Хўш, бу мажмуаларнинг лойиҳачилари ким ёки қайси институт хизматчилари», деган савол туғилиши табиий. «Тошсавдолойиҳа»нинг Ҳайрулла Раҳматуллаев раҳбарлик қилаётган 1-устaxonаси қурилишининг бош лойиҳачиси ҳисобланади. Мажмуа лойиҳасини яратишда устaxonа хизматчилари ўзларининг бой тажрибаларига суянишди. Улар бу гал шахримизда бунёд этилган бири-биридан чиройли ва мухташам бозорлар қурилишида йўл қўйилган баъзи бир жузъий хатоларни ҳам эътибордан четда қолдиртишмади. Шу тўғрисида лойиҳада янги савдо мажмуасида сотувчиларга яратилган барча шароитлар ҳисобга олинган. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, ушбу маскан шахримиз бозорлари ичида энг ноёби ва гўзали бўлади. Бунинг архитектура қурилиши шундан далolat бериб турибди.

Қурилиш

ЮНУСОБОДНИНГ ЯНГИ БОЗОРИ



Бугунги кунда қурилиш жадал суръатларда олиб борилаётган. Ҳозир мажмуада 70 фоиз қурилиш-тиклаш ишлари бажариб қўйилди. Темир-бетон конструкцияларини пайвандлаш давом этмоқда.

Яна бир жиҳат шундаки, ҳозирги бозор эскисидан нафақат кўриниши, балки ҳудудий жойлашиши билан ҳам фарқ қилади. У олдингисидек 11-мавзедда эмас, Юнусобод марказида — 3-мавзеддан ўрин олади. Бунинг сабаби ҳозирги бозор ўртасидан келажақда маги-

страл йўл ўтади. Шу тўғрисида Амир Темур ва Чимкент шохкучаси бўйлаб жойлашган кўп қаватли уйлар қайта таъмирланиб уларнинг кўриниши ҳам ўзгача тус олади.

раётган ушбу павильонда тирик балиқ билан савдо қилувчи сув ҳавзаси, совуқгичли пештахталар, гўшти қайта ишлаш цехи, барча зарурий жиҳозларга эга бўлган ветеринария лабора-

торияси ва торозихона жойлашади.

Бундан ташқари бу икки қаватли маъмурий-маиший мажмуада харидорлар ўзлари учун керакли бўлган бардан кийим-кечак маҳсулотларини ҳам сотиб олиш имкониятига эга бўладилар. Бозорга қираверибдаги бош майдонда гул ва нонлар савдо қилиш бостирмалари бунёд этилади.

— Биласизки, Юнусобод деҳқон бозори савбазот маҳсулотлари ярмаркасини намунали ташкил этиш бўйича ҳам шаҳар бозорлари орасида эътиборли

ўринда туради, — дейди бизга жамият бошқарувининг раиси Раҳимжон Пулатов. — Ана шу масала ҳам лойиҳачиларимиз эътиборидан четда қолмаган. Ярмарка бозорини ўтказиш учун ажратилган мажмуа жойда мавсумий савбазот ва мева маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилади. Ушбу ҳудудга бир йўла 30 та машина киритилиши ва улар хўжалик даладаридан олиб келинган маҳсулотларни бемалол савдо қилишлари мумкин.

Янги бозоримизда автотранспорт эгалари учун ҳам қулайлик яратиш кўзда тутилган. Бунинг учун 150 машина сифадиган тўхташ жойи бунёд этилади. Унинг ҳудудида 50 ўринли ошхона ишга туширилади.

Ушбу мажмуа қурилишига «Тошкентуйюинвест» корпорациясининг Абдуҳамид Азизов бошлиқ 4-трест қурувчилари пудратчилик қилишмоқда. Қурувчилар мажмуани Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширишни ўз зиммаларига олишди. Бунёдкорларнинг сай-ҳаракати бу вазифа белгиланган муддатда адо этилишидан дарак бериб турибди. Бу масалада қурувчиларга шаҳар ва туман ҳокимликлари яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. «Тошбозортэйрловсавдо» уюшмаси эса қурилишни барча зарурий маблағ билан ўз вақтида таъминлаб турибди.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ.
СУРАТЛАРДА: бозор қурилишидан лавжалар.
Холмат Мирзақаримов олган суратлар.



Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Тошсав» ҳиссадорлик жамиятида айни кунларда 20 хилдан ортиқ сўт ва сўт маҳсулотларини чиройли ва беҳирик қайдоқланган кутиларда ишлаб чиқарилиб, харидорларга тортиқ этилмоқда.

Бугунги кунда қорхонанинг мавжуд 8 та цехидан 7 таси тўла қувват



ЯНГИ ЦЕХ

билан ишламоқда. Айниқса, жамоанинг Швейцариянинг «Тетрапак» линияси ўрнатилган цехида тайёрланаётган цитрус мевалар ҳамда шафтоли ва олма шарбатлари нафақат пойтахтимиз савдо дўконларида сотилмоқда, балки кўшни Қозоғистон

Саноат

да сифатли маҳсулот етказиб бериш кўзда тутилган.

Яна шуниси қувонарлики, яқинда ушбу жамоада яна бир хориж технологияси билан жиҳозланган цех ишга туширилади. Бунинг учун чет эллик ҳамкорлар билан музокара олиб борилаётган. Унинг ишга туширилиши янги ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Шарофат БАХРОМОВА.

Кино

ИЖОД АҲЛИ ҚУЗУРИДА

Асарларини ҳаяжон билан ўқиган, улар ижоди асосида яратилган фильмларни, спектакллари мислига томона қилган мухлислар ижодкор ҳақида, унинг ҳаётини билишга албатта қизиқади.

«Ўзбектеелефильм» ижодий жамоаси ёзувчи, шоирлар ҳаёти, ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи туркум ҳужжатли фильмларни суратга ола бошлади. Навбатдаги фильм «Ижодкор олами» деб номланади. Режиссёр Саидботир Аҳмадхўжаев биз севган ижодкорлар билан фильм орқали учраштиради. Гоҳо биз уларни шаҳар кўчаларида кўрсак, гоҳида мухлислар орасида, қизгин суҳбатлар асосида кузатамиз, гоҳ оила даврасида, гоҳида эса иш жараёнининг гувоҳи бўламиз. Фильмда ижод аҳлининг ҳаёт тарзи, асарларнинг яратилиши, уларнинг қаҳрамонлари ҳақидаги ҳаяжонли ҳикоялар ўз аксини топади. Ватан тинчлик орқали биз ижодкор оламига кириб борамиз, биз учун ўзгача бир олам аҳли бўлиб кўринган ёзувчи ва

шоирларнинг ички кечинмалари билан ошно бўламиз. Пулат Мўмин, Жуманиёз Жабборов, Пиримқул Қодиров, Тўлепберген Қайибергенов, Ўткир Хошимовлар яратган асарлар, уларнинг дунёга келиш тарихи билан танишамиз. Фильм ижодкорлари бизни тасвир орқали сир бўлиб қолган ҳаётга бошлаб кираётгандай таассурот уйғотади. Янги ёзилган шеърлар, яратилган асарлар, машҳур бўлиб кетган асарларнинг тугилиши ҳақидаги ҳикоялар томошабинни бефарқ қолдирмайди. Бир сўз билан айтганда, фильм орқали биз бир гуруҳ эл ардоғидаги ижодкорларнинг кундалик турмушидан оғох бўламиз ва улар каби ёниб яшаш бизларга ҳам юққандай ўзгача бир кайфият чўлғаб олади.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.



Баҳорги таътил даврида фан олимпиадаларининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятларда ғолиб деб топилган ўқувчилар 18 фан бўйича ўз билимларини намоён этдилар. Айниқса, Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактаб-гимназиянинг информатика фани ўқитувчиси Турғун Азларовнинг тинимсиз изланишлари натижасида шу мактаб-гимназиянинг ўқувчилари биринчилиги бир неча йиллардан бери кўздан бой бермаётди. Бу йил ҳам олимпиадада Нодир Ҳакимов информатика фанидан биринчи ўринни эгаллади. Энди олимпиадада ғолиблари олий ўқув юртиларига имтиҳонларсиз қабул қилинади. СУРАТЛАРДА: 40-мактаб-гимназия ўқитувчиси Турғун Азларов ўқувчиси Нодир Ҳакимов билан; 309-лицей ўқувчиси Дилноза Юнусова; қатнашчилар компьютер орқали саволларга жавоб бermoқдалар.

Равиля Альбеков олган суратлар.

Нега бундай сарлавҳа кўйганимнинг боисини сўнграқ айтсам. Чунки, бу найчи менинг жумбоққа ўхшаш ҳаётимнинг бир қисмига улашиб кетади десам бўлармикан. Бундай қийин — қимматли ва аянчли ҳаётнинг тарихи анча узун; унга кейинроқ қайтсам, Сабаби ҳеч ким хоҳламайдиган, ҳамма нафратланадиган дахшатли урушнинг фожиали ерларида қўлаб бахтсиз ватандошларни нотаниш тупроқда қолдириб яна бир лаънатни ёзаяманки, демек тирикман.

хумори тутарди. У келган томонимизга — шарққа қаратиб шундай завқ билан чалдики, ҳамма эшитганлар хайрон, бу сеҳрли садо қаерларча етиб бордикин, эй, ўзбекининг оҳанрабо найи, шу қадар таъсирчанлигини юракдан сездим — англадим шу, сукунатли ажиб онда! Бир неча дақиқадан сўнг ёнгинамизда ҳеч қутилмаган ватандошлар пайдо бўлишдики, улар билан узоқ дийдор қўришмаганлардек кучоқ очиб қадрдонлардек қўриша кетдик. Улимдан бир баҳа тирик қолган, оёқ, қўли ва бошқа ерларидан яраланган, ҳали қонлари қотмаган биродарларимиз ҳам кучоқлашиб қўришардилару кўзлардаги ёшлари тўкилаётганини ўзлари сезмасдилар, балки...

Илгари хабар берганимиздек, Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда унда кўзда тутилган умумий ўрта таълим мактабларида тарих фанининг ўқитилишини яхшилаш билан бирга мазкур фан бўйича ихтисослаштирилган махсус мактаблар ташкил этиш масалаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида шахримиздаги 9,216-мактабларда тарих синфлари ташкил этишга қарор қилинди. Биз ана шу тарих синфларини ташкил этишдан мақсад, улардаси ўқитиш тизими, ҳамда у ерда таълим-тарбия бераётган ўқитувчилар хусусида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев билан суҳбатлашдик.

— Бугунги кунда тарихга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — деди Ҳамидулла Йўлдошев. — Негаки, ўтмишсиз келажак йўқлиги, ўз ўтмишини билган халқни қул қилиб бўлмаслиги яна бир бор ўз исботини топмоқда. Давр талабидан келиб чиқиб Юнусобод туманидаги 9-ҳамда Ҳамза туманидаги 216-мактабларда тарих синфлари фаолият кўрсата бошлади. Бунда бешинчи-ўн биринчи синф ўқувчилари махсус режа асосида ўқитилади. Илгари мактабларда йил давомида 618 соат тарих дари бўлган бўлса, шундан бор йўғи 4—5 соатгина Ўзбекистон тарихини ўқитишга ажратилар эди. Ана шу ўқитилган тўрт-беш соатларда ҳам тарихимизга ноҳосиллик билан ёндошилганлиги ҳеч қандай инқилобчи ҳам кўришарди. Бундан ташқари, тарихимизни билишларида маълум бир даражада ўзининг ижобий самарасини беради.

Айнан юқоридаги мактабларда тарих синфининг очилиши бежиз эмас. Сабаби бу мактабларда 1990—1992 йилларданок Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти тарих хонаси мудири Мукаррам Мўйидинова ташаббуси билан Муҳаббат Тўраева, Маъжуда Воҳидовалар Ўзбекистон тарихини махсус чуқурлаштирилган, юқори савияда ўта бошлаган эдилар. Ўша пайтларда «Туркистон», «Маърифат» сингари газеталарда чоп этилган мақолалар маълум бир мақсадда 7,11-синфларга археология-этнография фани киритилди. Ватанпарварлик, ўз юртига садоқат, албатта ўз ўлкасини ўрганишдан бошланади. Шу боисдан тарихий ўлкашунослик фанидан ҳам машғулотлар олиб бо-

риладиган бўлди. Унда ўқувчилар Тошкент тарихини, хусусан унда қад ролланган тарихий обидалар, мадрасалар, жойлар тарихини, уларнинг ким томо-

Таълим

МУКАММАЛ ДАСТУР АСОСИДА

нидан барпо этилганлиги борасидаги маълумотлардан хабардор бўладилар. Кўпгина бой тарихимиз эски ўзбек ёзувида битилганлигини инобатга олиб 3,9-синфларда эски ўзбек ёзувини ўқитиш йўлга қўйилди. Уларнинг бу ёзувини ўзлаштиришларида, тарихимизни мукаммал билишларида катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари болаларнинг тарихга бўлган қизиқлиги, интилишларини нафақат бешинчи-ўн биринчи синфлардан, балки қуйи бошланғич синфлардан бошламоқ даркорлиги лозимлигини назарда тутиб, иккинчи ва тўртинчи синф ўқувчилари учун қизиқарли тарих фанини ўқитиш йўлга қўйилди. Унда дарслар ўйин орқали қизиқарли жараёнда ўтказилади. Бу билан болаларнинг дарсдан зерикмай тез ўзлаштириб олишларига эришилади.

«Ўтмишсиз келажак йўқ», деб бежиз айтилмаган. Бу ерда таълим-тарбия олган, ўз ўтмишлари, тарихи хусусида ҳаққоний билим, маълумот олган ўғил-қизлар ўйлашимизки ҳақиқий келажак эгалари бўлиб етишадилар. Негаки улар ўз тарихларининг асл моҳиятини тушуниб, кимнинг авлодлари эканлигини англаб етдилар.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Инсон хотираси — муқаддас туйғу

ГУЛХАНДАГИ НАЙЧИ

(Бўлган воқеа)

Волгограддан оғир ярадор бўлиб Саратовдаги госпиталга келиб тушиб, шу ердан тузалиб оёққа туриб бахтни қарангки, танкчилар мактабига қабул қилиндим. Ўқини туғатган яна душманга қарши дахшатлироқ жангларга йўл олдик. Урушга кириш олдин Армия штабига қутилмаган ҳодиса рўй берди. Мен танк командири бўлсам, экипажда ҳайдовчидан тортиб команда аъзоларининг ҳаммаси бори — дидимга мос абжир ва жасур йигитлар. Яна бизга танк тепасида автомат билан юрвчи мерганлар бириктирилиши керак. Такдирин қарангки, менга худди туғишган укамдай ўзбек йигити тўғри келиб қолса бўладими!

Ишонинг, бу осонликча бўлгани йўқ, қўчилиқнинг ичида формада мен уни, у эса менинг ўзбеклигимни билибми. Ахир, урушда озмунча миллатлар қатнашмади. Шу онда мен юзлар, ҳатто минглар ичида қондош ўзбекининг бир-бирини сезиб топиши олишига тин бердим. Сўнг биз суҳбатлашиб, укамга кўзимга оловдек кўриниб кетганини айтсам, у ҳам менга «Сиз ҳам худди туғишгандек туюлдингиз» дейди-я!

Эй тақдир, гоҳида аламли дамларни келтириб чиқарсанг, гоҳида худди шу ондагидек қувончли дақиқани насиб эттирасан-а!

Қарангки, биз ўзбеклар шу қадар бир-биримизга меҳрибонли бўлар эканмики, мен кейинроқ бу бебаҳо одатимизни — фазилатимизни сеза бошладим. Бу йигит менинг фикри хаёлим — вужудимни бутунлай банд этди. Унинг яна Тошкент вилояти — Пискентда — ёнгинаман яшаганига нима дейсиз, мана танишиб ҳам олдик:

— Матбоев Олим; менинг исминини аллақачон биларкан — танк командири ичида ягона ўзбек — Убайдуллаев экансиз, Раҳимжон ака!

— Мен, тинчлик пайти адабиётчи...
— Мен эса, ҳаваскор найчи, тинчлик бўлса...

Мен най овозини севишим, ёшлиқда қадрдон дўстим Дадали Соатқулов билан бирга яшаб, унга ҳар тонготарда най чалдирганларим ҳақида сўзлаб бердим.

Шундайин ширин суҳбатдан сўнг биз ёвуз душманга қарши аёвсиз жангга кириб кетдик: фарб томон кетарканмиз, худди бир жон-бир тандек уни химоямга олиб, хавфли отишмаларда уни ичкарига яширдим. Аммо, пайти келганда бирга баб-баравар жанг қилишардик.

Польшанинг Санок ва Ясимица шаҳарчаларини ёвдан тозалагандан сўнг Магеллану шахрига киришда менинг танким қўмондон буйруғига биноан етакчи, яъни биринчи бўлиб душманнинг тўп ўқларига чап бериб, ёв ўрласига ёриб кирдик. Тонг пайти бехосдан пайдо бўлганмиздан додираб ваҳимга тушганлар, айрим маст-аласт уйқурсаганларни бизни ўзиники деб ўйлашибди, биз томон қочиб келишарди.

Танк устидаги автоматчиларимиз Матбоев ва унинг шериги ўша додирганларни отиб ағдариларди. Шундай тўполон, олаговур жангдан сўнг душман — ёв енгилди. 1-украин фронти билан бизникилар бирлашибди, бир неча вақт тинчлик ҳукм сурди.

— Вақт ганимат, қани, найни ол ука, — деб эшитиб юрганим чўли-ироқнинг

Миллий куйимиз эса ҳамон янграб, ҳар ёнга, йироқларга ёйиларди, балки уни севадиган барча туркий ватандошлар эшитаётгандилар.

Шундай қилиб най овози кўлаб қурбонлар эвазига қўлга киритилган ғалабаимиз тинчлигидан сўнг янгради. Шу пайт тирик қолган ватандошлар судралиб бўлса ҳам биз томонга келишар, ганимат онларда дийдор қўришиб, ич-ичимиздан қувонишарди. Ана шулардан қанчаси Ўзбекистонга мажрўх ҳолда қўлиси, оёқсиз, кўзсиз қайтиб келишди, келмаганлари тақдир тақозосига, Оллоҳнинг ҳужмига ҳавола дейишга мажбурмиз...

... Биз Фарбга томон жадал бораёямиз. Польшанинг Водовици шаҳридан сўнг Оламсуз деган жойни ёвдан тозалаб шу ерда бироз ҳордиқ чиқаришга тўғри келди. Аскарлар ўз янқинлари билан гурунглашиб туришган пайт эди. Яна най садоси янграй бошлади. Бунга анча ўрганишарди бир-бировларидан бу хушбағ қуйнинг қаерданлигини сўрашардилар.

— Қаерда чалинаёпти?
— Бу томонда...
— Йўқ, ўрмонга яқин жойда...
— Ховв анави гулханни кўряпсанми, ўша ерда.

Куй шу қадар таъсирли, дардли, ёқимли эдики, яна унинг арчадордан келаётган майин акс садосини айтмайсизми?!

Ҳаммаёқ шу дамба тинч, ажаб, ҳеч қандай отишма йўқ, худди шу онда урушнинг тўхтади. сулҳ тузиб найни тинглаётгандай...

Қоронғи тушиб, хуфтон ўз ҳукмини ўтказаятган пайт катта эман дарахти тағида гулхан атрофида аскарлар бир оз бўлсада исинишиб, қадрдонлардай даврада зичлашибди, барчасининг вужуди сеҳрли, ёқимли майин овоз билан банд, чет-қордаги бирор ортиқча гап, қақирқ овоз ҳеч қулқоққа кирмайди.

Барчаннинг нигоҳи найчидан — чалаверса, чалаверса, у яна юрқларга малҳам бўлиб, қутилмаган шу осузда дамба бирдан гумбурлаган овоз! Най саси ҳам тинди шу онда, «Нима бўлди ўзи» деб сўрашарди тириклар, ўликлар эса жим-жим.

Гулхан нега қўришмас, Уқувчилар йўқ, Қонли тўзон чапир ҳавода. Найчи омонмикан, майлидди бўлса саломат.

Югурдик, бир нечамиз гулхан томонга, етиб ҳам бордик; гулхан ҳам йўқ, най тинган давра ҳам. Афсус-надоматдан, не фойда энди; эсиз Олимжон — ука! Кўзим чиксин сени кўргунча шундоқ!

Гулхан атрофида ўтирганларнинг қанчаси мина портлаши пайти фожиали ҳалок бўлганини айтолмайман, чунки мен Матбоевни авайлаш билан овора эдим: «Олим — Олимжон ука, гапир, бир сўз айт, ундай қилма, кўзингни оч, ахир биз ватанга — Тошкентга соғ-омон бормоқчи эдик-ку?!»

Унинг чап қўлида ушлаб қолган найни олиш ё олмасликка ҳайрон-лолман, тақдир тақозаси билан бир ўзбек йигити қўлида найи билан жаннатга кетди, деб ёзиб қўйяман.

Раҳимжон УБАЙДУЛЛАЕВ, Иккинчи жаҳон уруши 1-гуруҳ ноғирони.



Юртимизга тўйлар ярашади.

Рустам Шарипов олган сурат.

Шарқ дурдоналари

Ўз-Ўз ўтганиб домо бўлур...

● Ҳакимларнинг айтишича, шижоат ва саховат ва хушфайллик энг аъло фазилатлар бўлиб, бу сифатларга эга бўлган кишилар доимо улуғлик сармоясидан баҳрамандлик топадилар. Мазкур сифатлар ичида хушхулқлик алоҳида диққатга сазовордир. Негаки, шижоатга аҳён-аҳёнда иш тушади. Саховат олий фазилат бўлса-да, у барчага муяссар бўлавермайди, унинг улдасидан чиқиб унун кишига ҳар хил шарт-шароитлар керак. Аммо хушхулқлик шундай нарсани, унга барча одам ета олади. Ёқимли хулқ эгасидан бошқаларни хурсанд қилишдан ташқари ўзи ҳам доимо хурсанд юради, бошқалардан эса ўзига муҳаббат ва мулоимлик қайтади. Қўтыа:

Абадий саодатнинг қалти хушфайлликдир, Аммо унга баъзилар доим муяссар эмас!

Абулбарокот ҚОДИРИЙ.
● Ҳар бир ақл эгаси шарму ҳаё йўлида мустаҳкам туришни ўз ҳаёти раванқининг сабаби қилиб олса, замонанинг катта-кичиги унинг хузурига ва суҳбатига харидор бўладилар, одамларнинг муҳаббати унга нисбатан қундан қунга ошаверади, хурмат ниҳили эса дўстлар баҳорининг тарбияси билан мақбуллик боғида нашъу наво топаверади. Эҳтиром боғининг гуллари ҳамиша қуз шамолининг зараридан таназзулга юз тутмайди. Муаллиф:

Ҳаё соҳиблари иззатда бўлагай доимо хуррам, Ҳаёсиз бўлса ҳар ким қуни қолгай надоматга!
● Олий ниятли киши шундай бўладики, ростлик ва дўстлик қондасини ҳақиқатпарастликнинг биринчи боби деб билиб, то имкони борича шу йўлдан юришга ҳаракат қилади ва ҳар бир ишда садоқат ва дўстлик ҳамда виждонли саодат хазинасининг қалти деб билади.

Бархурдор ибн МАҲМУД.
● ҲИКОЯТ. Нўмон ибн Муъиз араб халифаларидан эди. Бир кун чарчаб, ариқ лабига келиб ўтирди. Шу пайт унинг лақмағўй ходимларидан бири:

— Агар бир кишини шу ариқ лабига келтириб сўйилса қони қайси томонга қараб оқаркин? — деб қолди.
Нўмон:
— Бун сенда синаб қўриш керак! — деди-да, уни шу ариқ лабига сўйишга буюрди.
Ўз маконида ва жойида айтилмаган сўз одамнинг ўзига душман бўлади.
Бошида ақли кам бўлса кишининг, Тилида сўзи кўп бўлади, дилдор!

Ибн КАМОЛПОШШО.
● Бир кишининг ўйига бир неча меҳмон келган эди. Меҳмон уларни яхшилаб меҳмон қилди. Овқат еб, чой ичиб бўлдилар. Улар яна узоқ ўтиришди ва туришни ҳали хаёлларига ҳам келтиришмасди. Уй эгасининг меҳмонларга рухсат бергиси келар, аммо бекорчи меҳмонлар ҳеч кўзғалишмасди. Меҳмон: «Энди сизларга рухсат» дейишга ҳеч ботинолмасди. Улар тушунишармикан деб, либосини ёчиб, оёқларини узатиб ўтирди. Меҳмонлар шунда ҳам кетиш ҳақида оғиз очилмади. Шунда у уй эшигини очди, ичкари ҳовлига қараб, ўз хотини билан гап-лашаётган киши бўлиб:

«Ҳозир, ҳозир туришяпти!» деди.
● Бир ёш бола катталар билан меҳмонда бир товоқдан овқат ер эди. Овқат иссиқ бўлиб, боланинг қўли куйиб ея олмади. Сўнг йиғлашга тушди:
— Нега йиғлаёсан? — сўрашди ундан.
— Овқат иссиқ экан, ея олмаганман, — деди бола.
— Бўлмаса бир оз сабр қил, совийди! — дейишди унга.
— Сабр қилишга-ку, қиламан-а, аммо сизлар тўхтаб турмайсизларда! — деди бола.

«Ҳавокиҳ-ал жуласо» дан.
● ҲИКМАТ: Юрагига ғарази бор дўст душмандан баттар. Байт:
Дўсти учун дилда ғарази бўлиб, Захар сақлаб юрса ҳар киши ниҳон.
Сидку сафо қутиб умриг ўтказма, Қора диндан қутиб бўлмайди эҳсон!
● Иккиозламачи дўстдан қотил душман яхши! Байт:
Дўст улки, доимо ростни гапирар, Душман эса айбиг тутмади ниҳон!
● Доимо парҳезгар ва доно кишилар билан маслаҳатлашмоқ керак.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.
● Искандар Юнон заминидан сафарга отланар экан, устоз Арастатолисга қараб деди: «Менга насихат бер!» Арастатолис унга деди: «Илм ўрган, ҳар қандай илмни ўрганишдан ор қилма!» Байт:

Ўқидан тийилма, ўқим бир замон, Бесаводлик ўти қўйдирар ёмон!
● Агар оғру ва шарафим зиёда бўлсин десанг, ҳақ нарсани ноҳақ дема. Агар равнақ топаё десанг ўз фойдангни ўйлаб иш тутма. Ўз айбингни қўришга урин, айбни киши доим хижолатда бўлади. Кимки сени айбиндан оғох қилса, унга ғазабингни сочма, балки уни хурсанд қил!

● Одамларнинг олижаноби ўзига нисбатан одамларда муҳаббат уйғонишига уринувчи, одамларнинг бахили эса ўзига нисбатан дўстларида нафрат тугдирувчи кишидир.

«Махзан ал-улум» дан.
● Бишр ибн ал-Ҳорис айтиди:
— Бир йигит бойлик қидириб уйдан чиққан эди. У йўл юриб чарчаб, биз харобанинг олдида келиб ўтирди. Ногоҳ унинг қўзи деворга ёзиб қўйилган куйидаги сатрларга тушди:

Эй қаршима ўтирсан, сени қўриб турибман. Билдикчи, қайгу-гамдан юрагинг тўза қондир. Қўпмамази ўзининг боринга сабр айла. Қаноатли кишидан гаму қулфат ниҳондир.
Йигит бу сатрларни ўқиб, бойлик топиб фикридан қайтди ва уйига жунаб кетди.
● Одамларнинг ёмони узрни қабул қилмайди, камчиликларингни доимо қидиради, қоқилсанг сўямайди.

Муҳаммад ЗЕХНИЙ.
● Қайс ибн Соиданинг ўз ўғлига қилган насихатларидан. У айтиди:

— Эй ўғлим! Шундай масал бор: «Сен бировга зулм этсанг, сенга ҳам зулм қилувчилар бор». Шу масалга амал қил, ҳеч кимга зулм қилма. Молу давлатдан хазина тайёрламай, илмдан хазина қил. Дўст-биродарларингни ўзингдан узоқлаштира, ҳар бир ишни маслаҳат билан адо қил!

«Жовидони хирад» дан.
Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.

